

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 56167 на приобретение Туманда ўтказиладиган ёшлар тадбирлари учун васийлик кенгашининг қарорига асосан

Способ проведения электронный

Дата 29.03.2022

Время рассмотрения 29.03.2022 17:50

Конкурсная комиссия Поп туман Ёшлар дафтари жамғармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	IMAMNAZAROV MAXMUD ORIFJANOVICH	Кегаш раиси	Ёшлар жамғармаси кенгаши
Секретарь комиссии	ARSLONOV ZAFAR DONIYOROVICH	Комиссия котиби	Васийлик кенгаши комиссияси
Член комиссии	ALIYEV DINMUXAMMAD RUSTAMJON-O'G'LI	Туман ҳокимлиги бош мутахассиси	Васийлик кенгаши комиссияси
Член комиссии	ONARBOYEV RAVSHANJON ALIJONOVICH	Туман ҳокими ўринбосари	Васийлик кенгаши комиссияси
Член комиссии	YULDASHEV AZAMATJON ROXATOVICH	Туман ҳокимлиги хўжалик мудир	Васийлик кенгаши комиссияси
Член комиссии	MIRZAXMEDOV AXODJON AXMADJONOVICH	Туман ҳокими ўринбосари	Васийлик кенгаши комиссияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.03.2022 года № лота 56167.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Телевизор
Подробное описание	Телевизор QLED 32 экран
Количество товара	14.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	2 400 000.00
Стартовая сумма	33 600 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Пылесос бытовой
Подробное описание	Пылесос
Количество товара	6.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1 000 000.00
Стартовая сумма	6 000 000.00

Валюта	UZS
--------	-----

Наименование товара (работы, услуги)	Термопот
Подробное описание	ТЕРМОПОТ 6,8 л
Количество товара	18.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	385 000.00
Стартовая сумма	6 930 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Печь микроволновая
Подробное описание	Печь (36 литр грил)
Количество товара	23,00
Единица измерения	*
Цена товара (услуги) за единицу	800 000.00
Стартовая сумма	18 400 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Электрочайники бытовые
Подробное описание	Электр чайнак 2 литр
Количество товара	60.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	85 000.00
Стартовая сумма	5 100 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Посуда столовая и кухонная из хрусталя
Подробное описание	Сервис хрустал 36x23
Количество товара	35.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	120 000.00
Стартовая сумма	4 200 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Посуда столовая и кухонная из хрусталя
---	---

Подробное описание	Сервис хрустал 31 см
Количество товара	50.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	100 000.00
Стартовая сумма	5 000 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Часы
Подробное описание	Картинка (портрет+соат) 450x800
Количество товара	30.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	180 000.00
Стартовая сумма	5 400 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчининг сўнгни 1 йил мобайнидаги бажарган ишлари тўғрисида хисоботлари.

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг сўнгни 1 йил мобайнидаги бажарган ишлари тўғрисида хисоботлари.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ BARGAINER	25	Иштирокчининг сўнгни 1 йил мобайнидаги бажарган ишлари тўғрисида хисоботлари.	22	Экспертная		
ЧП SANG SAVDO SERVIS	25	Иштирокчининг сўнгни 1 йил мобайнидаги бажарган ишлари тўғрисида хисоботлари.	23	Экспертная		

Критерий №2 Иштирокчининг таъсис хужжатлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг таъсис хужжатлари

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ	25	Иштирокчининг	21	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BARGAINER		таъсис хужжатлари				
ЧП SANG SAVDO SERVIS	25	Иштирокчининг таъсис хужжатлари	23	Экспертная		

Критерий №3 Иштирокчининг молиявий холати

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг молиявий холати

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ BARGAINER	25	Иштирокчининг молиявий холати	24	Экспертная		
ЧП SANG SAVDO SERVIS	25	Иштирокчининг молиявий холати	24	Экспертная		

Критерий №4 Солиштира далолатнома, солиқлардан қарзи йуқлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиштира далолатнома, солиқлардан қарзи йуқлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ BARGAINER	25	Солиштира далолатнома, солиқлардан қарзи йуқлиги	22	Экспертная		
ЧП SANG SAVDO SERVIS	25	Солиштира далолатнома, солиқлардан қарзи йуқлиги	24	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MCHJ BARGAINER	84 630 000.00	84 630 000.00	26.03.2022 19:14:10	.00
ЧП SANG SAVDO SERVIS	84 630 000.00	84 630 000.00	28.03.2022 17:00:06	.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
MCHJ BARGAINER	89	0	89

ЧП SANG SAVDO SERVIS	94	0	94
-------------------------	----	---	----

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 56167 от 29.03.2022 года на приобретение Туманда ўтказиладиган ёшлар тадбирлари учун васийлик кенгашининг қарорига асосан определила победителем:

ЧП SANG SAVDO SERVIS
301512421

и резервный исполнитель: MCHJ BARGAINER (308839049)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	IMAMNAZAROV MAXMUD ORIFJANOVICH	Согласен	
Член комиссии	YULDASHEV AZAMATJON ROXATOVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIYEV DINMUXAMMAD RUSTAMJON-O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ONARBOYEV RAVSHANJON ALIJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRZAXMEDOV AXODJON AXMADJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Поп шахри

Санг савдо сервис МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи Ж.Абдуллаев бир томондан (бундан буён матнда "Етказиб берувчи" деб юритилади) ҳамда Поп туман хокимлиги Ёшлар дафтаридаги ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси номидан низом асосида иш юритувчи Поп туман хокимининг биринчи ўринбосари М.Имамназаров, иккинчи томондан (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Етказиб берувси" ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ маҳсуло (иш хизматлар)ни ўз вақтида етказиб беришни мажбуриятини олади, "Буюртмачи" ушбу маҳсулот (хизматларни ва товарларни) қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Етказиб бериладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги маҳсулотларни (иш ва хизматларни) кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда маҳсулот (иш, хизмат) кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра куйидагиларни талаб қилиш:
 - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
 - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
 - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган маҳсулот (иш, хизматларни) қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ етказиб бериладиган маҳсулот (иш, хизматлар) учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Етказиб берувчини ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган маҳсулот (иш хизматлар) учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан етказиб берилган товарларни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан маҳсулот (иш хизматлар)ни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 84.630.000 сўм (Саксон тўрт миллион олти юз ўттиз минг) сўм, ҚҚС билан.

Кўрсатиладиган маҳсулот (иш хизматлар)нинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган маҳсулотнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Етказиб берувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган маҳсулот (иш хизматлар) учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми маҳсулотлар тўлиқ етказиб берилганда ҳисоб факутра билан имзоланганидан кейин ўн беш иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Маҳсулот (иш хизматлар) бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ҳазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг маҳсулот (иш хизматлар) учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан маҳсулот (иш хизматлар) муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгилабган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Етказиладиган масуло (иш хизматлар) тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган маҳсулот (иш хизматлар) ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган маҳсулот (иш хизматлар) ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан маҳсулот (иш хизматлар)ни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Етказиб берувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки маҳсулот (иш хизматлар)нинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Етказиб берувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган маҳсулот (иш хизматлар)нинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Етказиб берувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Етказиб берувчи тақдим этилаётган маҳсулот (иш хизматлар)нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқдорга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган маҳсулот (иш хизматлар)нинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулот (иш хизматлар) баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Етказиб берувчи Буюртмачига маҳсулот (иш хизматлар)ни тақдим этмаслик натижасида етказилган зарарни қоплайди.

5.4. Маҳсулот (иш хизматлар) кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Етказиб берувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган маҳсулот (иш хизматлар) баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва маҳсулот (иш хизматлар)ни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Етказилган маҳсулот (иш хизматлар) учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Етказиб берувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг

0,4 фоизи миқдориди, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Етказиб берувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг етказиб берувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Етказиб берувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар тегишли туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, энгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Етказиб берувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Етказиб берувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга

оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома томонларининг ҳар бири бошқа томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (махсулот (иш хизматлар))ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли томон ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, томонлар коррупциявий фаолиятга томонларнинг иштироқи хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган ва ғазначилик органи томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу шартнома томонларнинг келишуви билан ёки томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Етказиб берувчи:

.....SANG SAVDO SERVIS МЧЖ.....
Наманган вил. Поп туман Ойбек МФЙ

Тел: 934920001

Р/с: 20208000904832283001

Банк реквизитлари: Қишлоқ қурилиш банк

Поп филиали

МФО 00240

ИНН: 301512421

ОКЭД: _____

Буюртмачи:

Поп туман ҳокимлиги (ёшлар дафтари
жамғармаси)

Манзил: Поп ш Истиклол кўчаси 5-уй

Р/с: 23402000300100001010

Л/с: 305022860142197109601018001

Банк реквизитлари: Тошкент ш ХККМ

МФО 00014

ИНН: 200088953

Поп туман гозначилиги ИНН: 20112219

ОКЭД: 97600



Етказиб берувчи раҳбар:

Ж. Абдуллаев

Юрист: М. Жумаева

Буюртмачи раҳбар:

Р. Онарбоев

Юрист: Э. Мухомедов

60K-006743



2022 йил 31 июли даги
31 -сонли шартномага 1 -
илова

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Товар (иш, хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Жами суммаси
1	Телевизор QLED 32 экран	Дона	14	2400000	33600000
2	Пылесос FASRU	Дона	6	1000000	6000000
3	ТЕРМОПОТ 6,8 л NK68ANIKURA	Дона	18	385000	6930000
4	Печь (36 литр грил) COVEN	Дона	23	800000	18400000
5	Электр чайнак 2 литр AYUBA	Дона	60	85000	5100000
6	Сервис хрустал 36x23 SAKURA	Дона	35	120000	4200000
7	Сервис хрустал 31 см SAKURA	Дона	50	100000	5000000
8	Картинка (портрет+соат) 450x800	Дона	30	180000	5400000
	Жами:				84630000

ҚҚС: 11038695,65 сўм

Етказиб берувчи:
.....SANG SAVDO SERVIS МЧЖ.....
Наманган вил. Поп туман Ойбек МФЙ

Р/с: 20208000904832283001
Банк реквизитлари: Қишлоқ қурилиш банк
Поп филиали

МФО 00240
ИНН: 301512421
ОКЭД: _____



Етказиб берувчи:

Ж.Абдуллаев

Буюртмачи:
Поп туман хокимлиги (ёшлар дафтари
жамғармаси)
Манзил: Поп ш Истиқлол кўчаси 5-уй
Р/с: 23402000300100001010
Л/с: 305022860142197109601018001

Банк реквизитлари: Тошкент ш ХККМ
МФО 00014
ИНН: 200088953
Поп туман ғазначилиги ИНН: 20112219
ОКЭД: 97600



Буюртмачи:

Р.Онарбоев


МУХОКАМА АХБОРОТИ

“ 31 ” март 2022 йил

Поп.ш

Поп туман ҳокимлиги ёшлар дафтари жамғармаси васийлик кенгаши томонидан 17-03-2022 (соат15:55) 22110012056167 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича туманда ўтказиладиган ёшлар тадбирлари харажатлари (спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларга совғалар) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Савдолар 29.03.2022 йил якунланиб (соат18:24) да йиғилиш баёни билан тасдиқланди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича ЧП SANG SAVDO SERVIS томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Туман ҳокимининг ўринбосари:



А. Нафисов